



## Ислом Нури

Имом Муслим ривоят қылган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо дедилар: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам құллари билан Аллоҳ йүлидаги жиҳоддан бошқа пайтда на бир аёлни ва на бир хизматкорни урдилар! Шахсиятларига нисбатан қилинган ишлардан асло ўч олмас әдилар. Фақат Аллоҳ ҳаром қылган ишларни қилинган пайтда Аллоҳ азза ва жалла учунгина интиқом олар әдилар.»

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анху айтадилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан йўлда кетар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эгниларида ҳошияси дағал нажроний тўн бор эди. Бир аъробий ул зотга етиб олдида, тўнларидан қаттиқ тортди. Мен Расулуллоҳнинг бўйинларида



## Ислом Нури

қаттиқ тортиш оқибатида түннинг дағал ҳошияси из қолдирганини кўрдим. Кейин у аъробий: «Эй Муҳаммад, амр этгин, хузурингдаги Аллоҳнинг молидан (менга ҳам берилсин)», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ўгирилиб қарадилар ва кулдилар. Кейин унга беришга амр этдилар».

Муттафакун алайҳ бўлган ҳадисда айтилишича, Оиша розияллоҳу анҳо: «Уҳуд кунидан кўра бошингизга оғирроқ кун келганми?» – деб савол берганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай жавоб берганлар:

- «Қавмингиздан күп нарса күрдим. Уларнинг энг оғири Ақаба куни



## Ислом Нури

бўлган эди. Мен ўзимни (ҳимоя қилиши учун) ибн Абдиёлил ибн Абдикулолга рўпара қилдим. У менинг сўровимни қабул этмади. (Мен у ердан) ғамгин ҳолатда чиқиб, бошимни эгиб юриб, Қарн ус-Саолибга етиб келганимни сезмай қолибман. Бошимни кўтаргандим, бир парча булат менга соя солиб турган экан. Қарасам, у булатда Жибрил алайҳиссалом ўтирибди. Шу пайт у менга нидо қилиб: «Аллоҳ таоло қавмингизнинг Сизга берган жавобларини эшитди ва сизга Тоғлар фариштасини (қавмингиз) ҳақида истаган нарсангизга буюришингиз учун юборди» – деди.

Тоғлар фариштаси менга нидо қилиб, салом берди ва:

– «Эй Мұхаммад, Аллоҳ таоло қавмингизнинг сизга айтган сўзларини эшитди. Мен Тоғлар фариштасиман. Роббингиз истаган нарсангизга буюришингиз учун мени сизнинг ҳузурингизга жўнатди, сиз нима хоҳлайсиз? Истасангиз икки тоғни уларнинг устиларига ёпиб қўяй?!»  
– деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– «Йўқ, мен Аллоҳ таоло уларнинг пуштикамарларидан Унинг Ўзигагина ибодат қиласиган, Унга бирон нарсани шерик қилмайдиган одамларни чиқаришини умид қиласман» — дедилар.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавмларига ғоят ҳалим эдилар.
2. Ислом даъватчилари ҳалимликда ва одамларнинг озорларига сабр-бардошли бўлишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўrnak олишлари лозим.